
#Жараён: Бағдод туманидаги "Аъло" тантаналар мажмуасида Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида туман ҳокими Ғанижон Солиев сўзга чиқиб, барчани байрам билан қутлаб, ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг ота-оналари, устозлари ва оила аъзоларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

- Юрт тинчлиги, равнақи, халқ фаровонлигини ички ишлар ходимларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз бурчингизни англаб, амалга ошираётган фидокорона меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Туманимиз эришаётган барча жабҳалардаги ютуқларда туман ИИБ бошлиғи, 3- сектор раҳбари, подполковник Фахриддин Ҳайитов бошчилигидаги ички ишлар ходимларининг ҳам меҳнатлари бор, десам муболаға бўлмайди – деди туман ҳокими.

Шундан сўнг соҳада ютуқларга эришиб келаётган бир гуруҳ ходимларга туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Туман Маданият бўлими хонандаларининг куй-қўшиқлари барчага хуш кайфият бағишлади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-11-12 19:22:16